

ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Акрамова Дилдора Эргашевна

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси
кафедраси ўқитувчиси

Маматханова Муштарий Шухратилло қизи

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим йўналиши талабаси

Аннотация: Тарбия жараёнининг мазмунин аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг онги, хулқ-автори ва дунёқарашини таркиб топтиришга имкон беради. Бошқача айтганда, тарбия – ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва хулқ- автор фазилатларини таркиб топтиришга йўналтирилган фаолиятдир.

Калит сўзлар: Тарбия таълим тизими, педагог, педагогик фаолият, вазифалар, фаолият.

THE ESSENCE AND IMPORTANCE OF THE EDUCATIONAL PROCESS

Abstract: The content of the educational process, based on a clear goal and socio-historical experience, allows to develop a person in all aspects, to form his mind, behavior and worldview. In other words, education is an activity aimed at bringing the young generation to maturity in all aspects towards a certain goal, forming social consciousness and behavioral qualities in it.

Keywords: educational system, pedagogue, pedagogical activity, tasks, activity.

Тарбия назарияси педагогика фанининг муҳим таркибий қисми бўлиб, тарбиявий жараённинг мазмuni, шакллари, методлари, усуллари, воситалари ва ташкил этилиши муаммоларини ўрганади. Ҳаётга янгича сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндашиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараённи ҳам қайта кўриб чиқиши тақозо этмоқда.

Тарбия назарияси Шарқ мутафаккирлари ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика, физиология, психология каби фанларнинг маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси ҳамда педагогик менежмент билан узвий боғлиқ.

Тарбия жараёнининг мазмuni аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тариҳий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг онги, хулқатвори ва дунёқарашини таркиб топтиришга имкон беради. Бошқача айтганда, тарбия – ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва хулқ-атвор фазилатларини таркиб топтиришга йўналтирилган фаолиятдир. Шунингдек, тарбия мазмунида Қуръони карим, Ҳадиси шарифдаги ахлоқий-маънавий, миллий ва умуминсоний маданий қадриятлар, халқ педагогикаси ғоялари, мутафаккир ва олимларнинг тарбияга оид қарашлари ҳам ўз аксини топади. Турли замон ва маконда ижтимоий тарбиянинг моҳияти турлича бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда асосланади. Тарбия ғояси турлича ифодаланган бўлсада, йўналтирувчанлик хусусияти ҳамда объектига кўра яқдилликни ифода этади.

Тарбия хусусида таниқли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний шундай дейди: “Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё фалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур²”. Ушбу фикрлардан англаниладики, шахс тарбияси хусусий иш эмас, балки ижтимоий, миллий ишдир. Зоро, ҳар бир халқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига қўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ислоҳотларнинг асосий ғояси республиканинг ривожланиш ва тараққиёт йўли деб эътироф этилган демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятни барпо этиш учун хизмат қиласи. Демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятни барпо этиш вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод зиммасига юкланди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги тон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг бир қатор асар ва нутқларида илм-маърифат, ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш мақсади ва вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи(тарбиячи ва тарбияланувчи) лар ўртасида ташкил этиладиган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёнидир. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шакллана боради, хисстуйгулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий муносабатларни шакллантиришга хизмат қиласидиган хулқий одатлар ҳосил бўлади.

Тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Фаолият жараёнида ўқувчи ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички эҳтиёжи ва хоҳишиларини ифодалайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

- 1.Жуманова Ф., Авазова С., Жобборова Г., Хуснетдинов У. Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, “Ishonchli hamkor”, 2020. - 580 б.
2. Akramova, D. (2022). BO‘LAJAK PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING MAKTABGACHA TA’LIM TIZIMIDAGI FAOLIYATI. Science and innovation, 1(B8), 322-326.

3. Akramova, D. (2022). Oliy ta'lim muassalari talabalarida pedagogik-psixologik moslashuvchanlikni mazmun mohiyati. Science and innovation, 1(B8), 2150-2153.
4. Ergashevna, A. D. (2023). TALABALARDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MOSLASHUVCHANLIK MEHANIZIMLARINI RIVOJLANTIRISH TEHNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH BUGUNGI MUOMMO SIFATIDA. PEDAGOGS jurnali, 26(1), 13-17.